

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/Т.34.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНИЁЗОВ ИБРОҲИМ ОТАХОНОВИЧ**

**ФОТОСЕЗГИР  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  ГЕТЕРОТУЗИЛМАЛАРГА ВА УЛАР  
АСОСИДАГИ ПОҒОНАЛИ ФОТОЎЗГАРТГИЧЛАРГА ТЎПЛАНГАН  
НУРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико- математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
of physical and mathematical sciences**

**Жуманиёзов Иброҳим Отахонович**

Фотосезгир  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  гетеротузилмаларга ва улар асосидаги  
поғонали фотоўзгартгичларга тўпланган нурларнинг таъсири ..... 3

**Жуманиязов Иброҳим Отахонович**

Воздействие концентрированного света на фоточувствительные  
 $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  гетероструктуры и каскадные фотопреобразователи на их  
основе ..... 21

**Jumaniyozov Ibrohim Otakhonovich**

Influence concentrated light on photosensitive  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  heterostructure  
and cascade photoconverters on their base ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/Т.34.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНИЁЗОВ ИБРОҲИМ ОТАХОНОВИЧ**

**ФОТОСЕЗГИР  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  ГЕТЕРОТУЗИЛМАЛАРГА ВА УЛАР  
АСОСИДАГИ ПОҒОНАЛИ ФОТОЎЗГАРТГИЧЛАРГА ТЎПЛАНГАН  
НУРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/FM105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fti-kengash.uz](http://www.fti-kengash.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуқодиров Мухитдин Абдурашитович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Абдулазиз Вахитович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Илиев Халмурат Миджитович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM/Т.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Физика-техника институти маъмурий биноси мажлислар зали. Тел./факс: (+99871) 235-42-91; e-mail: [info.fti@uzsci.net](mailto:info.fti@uzsci.net)).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (+99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Р. Авезова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А. Ғ. Комилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**А.В. Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда яримўтказгичли фотоўзгартгичнинг жадал ривожланаётган соҳасида поғонали тузилмага эга тузилмаларда тўпланган қуёш нурланишини электр энергиясига ўзгартириш механизмини ўрганиш истикболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу жабҳада фотоўзгартирувчи тузилмалар учун галлий фосфид тагликдаги индий-галлий-фосфид гетерокатламларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва электромагнит ва фотон кўзғалишида уларда содир бўладиган физикавий жараёнларни ўрганиш, уларнинг поғонали кўринишида бажарилганидаги хусусиятларини аниқлаш қуёш энергиясини фотоэлектрик ўзгартиришнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда поғонали фотоўзгартирувчи тузилмаларда қуёш нурланишини ўзгартиришнинг хусусиятларини, жумладан тўпланган қуёш оқими таъсирида салт юриш кучланиши ва қисқа туташув токини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада мақсадли тадқиқотларни, айнан эса, қуйида келтирилган йўналишларни амалга ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади: суюқ фазали эпитаксияда  $Ga_xIn_{1-x}P$  юпка эпитаксиал қатламларнинг кристалланиш жараёнини ўрганиш; суюқ фазадан рухнинг паст ҳароратли диффузияси асосида  $pGa_xIn_{1-x}P$  p-n ўтишларнинг шаклланиш имкониятларини аниқлаш; таглик кристалининг фотоўзгартирувчи тузилмаларда механикавий кучланишларга таъсирини ўрганиш;  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ қотишма таркибининг улар асосидаги фотоўзгартирувчи тузилмаларнинг электр ва оптик хоссаларига таъсирини аниқлаш; ёруғлик оқими концентрацияси даражасининг икки томонлама контакт тўрига эга фотоўзгартгичларнинг фотоэлектрик ва иссиқлик хоссаларига таъсирини ўрганиш; қуёш энергияси поғонали фотоўзгартгичларнинг самарадорлигини ошириш йўллариини излаш.

Мамлакатимизда фотоэлектрик ўзгартириш жараёни бўйича ишларга катта эътибор қаратилмоқда, жумладан монокристалл кремний асосидаги кремнийли қуёш модуллари ишлашининг чегаравий имкониятлари аниқланди, иссиқ шароитларга мос келадиган энг мақбул ишчи режимлар ва ишчи соҳалар оралиқлари аниқланди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятларини рағбатлантириш, энерготежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалалари кўрсатилган. Бу жабҳада гетероўтишлар самарали фотоўзгартгичларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сонли «Электротехника саноатини янада ривожлантириш, ва соҳанинг инвестицион ва экспорт потенциалини янада ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академиясининг фаолиятини, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энерго- ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Япониялик олимлар томонидан гетероўтишли қуёш элементларининг фойдали иш коэффициентлари (ФИК)ни 25,5% га оширишга имкон берадиган, изотип ва анизотип ўтишларга эга фотоэлектрик ўзгартгичларни олиш технологияси ишлаб чиқилган<sup>1</sup>.

Ж.И.Алфёров<sup>2</sup> бошчилигидаги Россиялик олимлар ва уларнинг ходимлари томонидан галлий арсенид бирикмаси асосидаги поғонали фотоўзгартгичлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар мужассамлашган қуёш нурланиши усулидан фойдаланганда қуёш нурланишининг тўпланиш даражасига мутаносиб равишда юзани кичрайтирадиган, қуёш энергиясини ўзгартиришнинг энг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонлик олимлар томонидан академик Р.А.Мўминов<sup>3</sup> раҳбарлигида қуёш элементларининг самарадорлигини уларга нанотузилмавий компонентларни киритиш йўли билан ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек профессор А.М. Қосимохунова<sup>4</sup> томонидан гетероўтишли кремнийли фотоўзгартгичларнинг параметрларига ички қаршилик таъсирининг тадқиқотлари ўтказилган, кетма-кет қаршиликнинг гетероўтишли қуёш элементининг ўзгартириш самарадорлигига таъсири аниқланган ва уларнинг тайёрлашнинг технологик кетма-кетлиги баён этилган.

Бироқ ёруғлик нурланишининг мужассамлашган оқими билан ёритиш шароитида поғонали фотоўзгартгичларнинг хусусиятлари тўлиғича ўрганилмаган.

<sup>1</sup> K.Masulko, M.Shigematsu, T.Hashiguchi et al. IEEE J. Photovolt., 4(6), 1433 (2014).

<sup>2</sup> Ж.И. Алфёров, В.М. Андреев, В.Д. Румянцев. Тенденции и перспективы развития солнечной фотоэнергетики // Физика и техника полупроводников, 2004, том 38, вып. 8, С. 937-948.

<sup>3</sup> Джалалов Т.А., Имамов Э.З., Муминов Р.А. Электрофизические свойства новой контактной структуры нанобъект-полупроводник // Журнал технической физики.-Россия, 2015. -Т. 85, № 5. -С.110-115.

<sup>4</sup> Олимов Ш.А. Ноу-фу Чен, Касимахунова А.М. Технология получения гетеропереходных кремниевых фотопреобразователей и исследование влияние внутреннего сопротивления // XIX международная научно-практическая конференция, МЦНС «Наука и просвещение», 2019 г., С.37-42, www.naukaip.ru

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши «Ютилиш қатлами ўта чекланган кенг зонали  $A^{III}B^V$  бирикмаларнинг икки томонлама гетеротузилмалар яратиш ва улар асосидаги поғонали фотоўзгартгичлар яратишнинг физикавий асосларини текшириш» (2007-2011йй.) мавзусидаги БВ-Ф2-005 фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси ва МК-03/2010 «Соҳалараро нурланишли фосфид галлийли яримўтказгич гетеротузилмани олиш ва тадқиқ этиш» (2010-2012 йй.) мавзусидаги халқаро илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мужассамлашган, яъни тўпланган қуёш нурланишининг галлий фосфид таглигида олинган индий-галлий-фосфид гетеротузилма асосидаги поғонали тузилмаларнинг фотоэлектрик хоссаларига таъсири механизмларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суяқ фазали эпитаксияда олинган  $Ga_xIn_{1-x}P$  нинг юпқа эпитаксиал қатламларининг кристалланиш жараёнини тадқиқ этиш;

газ фазасидан рухнинг паст ҳароратли диффузияси асосида  $pGa_xIn_{1-x}P$  p-n ўтишларни шакллантириш имкониятларини аниқлаш;

фотоўзгартгич гетеротузилмаларда таглик кристаллининг механик кучланишларга таъсирини ўрганиш;

$Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмалар таркибининг улар асосидаги фотоўзгартгич тузилмаларнинг электр ва оптик хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

икки томонлама тўрсимон контактли фотоўзгартгичларнинг фотоэлектрик ва иссиқлик хусусиятларига ёруғлик оқими тўпланиш даражасининг таъсирини ўрганиш;

қуёш энергияси фотоўзгартгичларининг самарадорлигини ошириш йўллари излаш.

**Тадқиқотнинг объекти**  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  асосидаги гетеротузилмалар, шунингдек қуёш энергиясининг бир ва кўп ўтишли фотоўзгартгичларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  гетеротузилмаларни олиш технологиясининг хусусиятлари ва уларнинг фотоэлектрик характеристикаларига мужассамлашган нурларнинг таъсири механизмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажариш жараёнида паст ҳароратли суяқ фазали эпитаксия, металлографик тадқиқотлар, вольт-фарад ва вольт-ампер характеристикалар, мужассамлашган қуёш нури оқими билан ёритиш каби илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

поғонали қуёш элементлари учун истиқболли бўлган мукаммал тузилмаси юпқа ( $d \leq 2 \mu\text{м}$ )ли гетероэпитаксиал  $Ga_xIn_{1-x}P$  ( $0,6 \leq x \leq 1,0$ ) қатламларни суяқ фазадан ишчи қатлам ва таглик орасига гетерочегарадан панжара доимийси бир

текис ортиб турувчи оралиқ қатлам киритиш йўли билан олиш мумкинлиги кўрсатиб берилган;

база қатлами қалинлиги билан  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритманинг ёруғлик нурланишини самарали ўзгартиришни таъминлайдиган ўзаро алоқаси аниқланган;

кенг зонали  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  яримўтказгичлар асосидаги фотоўзгартгичларнинг ҳаво-конвектив табиий иссиқлик алмашуви режимида ҳам, қуёш нури оқимининг 100 карралик концентрацияси режимида ҳам ишлай олиши биринчи марта кўрсатилган;

$AlInP/InP/GaInAs$  тизимидаги кучайтирилган чиқиш кучланишига ва фотоэлектрик қувватга эга икки томонлама-сезгир уч поғонали фотоўзгартгичлар (ФЎ) биринчи марта таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қаттиқ эритманинг турли таркибидаги  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  гетеротузилмани олиш усули ишлаб чиқилган;

поғонали янги қуёш элементи олинган бўлиб, у юқори чиқиш кучланиш ва фотоэлектрик қувватни оширишга имкон беради, шунингдек маълум аналогларидан фарқли равишда совутиш қурилмаларисиз 100 каррали қуёш нурланишида ишлаш қобилиятини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида замонавий ва мавжуд синалган усулларидан фойдаланилганлиги, экспериментал маълумотларнинг назарияга ва экспериментларнинг зарур статистикасига мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кенг зонали яримўтказгичлар асосидаги поғонали гетеротузилмаларда кечадиган жараёнлар ҳақидаги физикавий тасаввурларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кўп қатламли гетеротузилмалар ва поғонали фотоўзгартгичлар конструкциясини олишнинг ишлаб чиқилган технологиясидан яхшиланган солиштирма фотоэлектрик қувватга эга қуёш энергетик тизимларини яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши.** Мужассамлашган, яъни тўпланган қуёш нурланиши галлий фосфид таглигида ишлаб чиқилган индий-галлий-фосфид гетеротузилма асосидаги поғонали гетеротузилманинг фотоэлектрик характеристикаларига таъсири механизмларини ўрганиш асосида:

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг «Поғонали қуёш элементи» деб номланган икки томонлама-сезгир уч поғонали фотоўзгартгичнинг конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича ихтирога патент (№ IAP 04695, 15.04.2013 й.) олинган. Ишлаб чиқилган поғонали қуёш элементи юқори чиқиш кучланишини ( $13 \div 14V$  ва  $8 \div 10 \text{ mA/cm}^2$  га тенг қиска туташув токи) олишга ва маълум аналогларидан фарқли равишда 100 каррали

куёш нурланишида совутиш қурилмаларисиз ишлаш қобилиятини жорий қилишга имкон берган;

$Ga_xIn_{1-x}P$  асосидаги фотоўзгартгичларнинг ҳаво-конвектив табиий иссиқлик алмашуви режимида ҳам, қуёш нури оқимининг 100 каррали қуёш нури режимида ҳам самарали ишлаш имкониятларидан Ф2-ОТ-О-15494 рақамли «Квант нуқтали гетеро- ва нанотузилмалардаги экситонларни, поляронларни ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 декабрдаги ФТА-02-11/1320-рақамли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш квант нуқтали гетеро- ва нанотузилмаларни совутмасдан ишчи ҳароратлари оралиғини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий ва илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий натижалари жами 26 та илмий ишда чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган ва илмий ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 111 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Галлий арсенид бирикмаси асосидаги қуёш энергиясининг кўп қатламли фотоўзгартгичларнинг фотоэлектрик характеристикаларини тадқиқ қилиш ҳолати ва уларнинг камчиликлари» номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиёт манбаларининг маълумотлари келтирилган. Поғонали тузилишга эга бир ва кўп ўтишли фотоўзгартгичларнинг, шу жумладан  $A^{III}B^V$  бирикмалар асосидаги гетеротузилмаларнинг асосий хоссалари келтирилган. Фотоўзгартгичлар (ФЎ)

ҳолатининг таҳлили ва ривожланиш тамойиллари асосида диссертация ишининг асосий вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Суюқ фазада эпителизация усули билан  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  гетеротузилмаларни олиш жараёнини тадқиқ қилиш ва уларнинг физикавий хусусиятларини ўрганиш» деб номланган иккинчи бобида  $GaP$  асосга  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмаларни олишнинг хусусиятлари тавсифланган. Эпитаксиал қатламларни олиш горизонтал реакторга эга қурилмада амалга оширилди. Эпитаксиал қатламларни ўстириш тозаланган водород оқимидаги қотишма-эритманинг чекланган ҳажмидан ўтказилди (тирқиш қалинлиги  $300 \div 500 \mu m$ ). Эпитаксиал қатламларда заряд ташувчилар концентрациясини ўзгартириш учун мос равишда  $n$ - ва  $p$ - турдаги қатламларни олишда эритмага мос равишда  $Te$  ёки  $Zn$  киритилган.  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмани олиш учун металл-эритувчи сифатида индийдан фойдаланилди.  $Ga$  тақсимоти коэффициентининг унинг суюқ фазадаги таркибига боғлиқлиги олинди.  $Ga$  тақсимот коэффициенти унинг суюқ фазадаги миқдorigа боғлиқлигидан,  $GaP-InP$  тизимнинг мазкур хусусияти  $x = 0,75$  да таркиби бўйича етарлича бир жинсли бўлган эпитаксиал қатламни олишга имкон беради.  $Ga$  тақсимот коэффициентининг сезиларли ортиши  $x < 0,75$  да содир бўлади. Суюқ фазадан  $Ga_xIn_{1-x}P$  нинг ўсиш жараёнини тадқиқ қилиш натижалари гетерочегарада  $GaP$  нинг юқори миқдorigа эга бўлган ўзгарувчан таркибли эпитаксиал қатламларни олишнинг қийинлигини кўрсатади. Эпитаксиал қатламлар тузилмавий мукамаллиги металлографик усул билан ўрганилди. Шу нарса аниқландики,  $Ga_xIn_{1-x}P$  нинг ўсиши  $0,8 < x < 0,9$  да ювилгандаги каваклар зичлиги  $10^4 \leq N_d \leq 10^5 \text{ см}^{-2}$  оралиғида ўзгаради. Кавакларнинг кузатилаётган анча паст зичлиги  $Ga_xIn_{1-x}P$  ва  $GaP$  панжара параметрларининг яқинлиги билан изоҳланади ( $\Delta a/a < 1\%$ ).

$x < 0,7$  бўлган  $Ga_xIn_{1-x}P$  эпитаксиал қатламларда ювилишдаги каваклар зичлиги  $10^5 \text{ см}^{-2}$  га етди, бу таъсирлашувчи материаллар панжара параметрлари номувофиқлик даражасининг  $2\%$  ва ундан ортиқ ўсиши билан боғлиқ. Демак гетероужуфтликлар панжара параметрлари номувофиқлигининг белгиловчи таъсири ҳисобига бир қатламли  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  мукамал кристалл тузилмаларни олиш  $x < 0,7$  да қийин бўлади.

Шу муносабат билан  $x < 0,7$  ли  $Ga_xIn_{1-x}P$  эпитаксиал қатлам ва асос орасида иккита оралиқ қатламни киритиш йўли билан дислокация зичлигини камайтириш имконияти тадқиқ қилинган.  $GaP$  билан чегараланувчи биринчи қатлам  $x = 0,9$  ли  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  асосида қилинган, иккинчи буфер қатлам эса,  $x = 0,8$  миқдорга эга. Бунда ҳар бир эпитаксиал қатламлар ўртасидаги панжара параметрлари номувофиқлиги  $\Delta a/a = 0,75$  ни ташкил қилди. Юқори қатлами  $Ga_xIn_{1-x}P/GaP$  ( $x \leq 0,7$ ) бўлган бундай уч қатламли тузилмалардаги дислокация зичлиги  $N_d = 10^4 \div 10^5 \text{ см}^{-2}$  гача камайди. Юқори қатламда  $x$  миқдорни кейинчалик ( $x = 0,6$ ) гача ўзгартириш белгиланган қалинликдаги қаттиқ эритмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилди, чунки  $x \leq 0,7$  га тенг бўлган қатламда яримўтказгич  $E_g$  нинг, қаттиқ эритмада галлий тақсимот

коэффициентининг ортиши ҳисобига, камайиши  $100 \div 150$  эВ/см градиент билан юз берди.

Шундай қилиб,  $x=0,8$  ва  $x=0,9$  га тенг оралик қатламларнинг киритилиши билан  $x < 0,7$  ишчи қатламларнинг тузилмавий таркиби сезиларли даражада яхшиланади ва асбоб тузилмаларида қўлланиладиган GaP гомоэпитаксиал қатлам хусусиятларига яқинлашади.

$Ga_xIn_{1-x}P$  эпитаксиал қатламларнинг физикавий хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики,  $x=0,7$ дан бошлаб яримўтказгич (ЯЎ) хусусияти сезиларли даражада ўзгаради, хусусан,  $x > 0,7$ ли қатламларда  $x$  миқдорига нисбатан кучсиз боғлиқликка эга юқори ўтказувчанлик устунлик қилади. Кузатилаётган нисбатан юқори ўтказувчанлик шу билан асосланганки, қаттиқ эритманинг берилган таркибида ўтказувчанлик асосан Бриллюэн зонасидаги  $K=(000)$ да жойлашган  $\Gamma$ -минимум электронлари билан белгиланади. « $x$ » нинг ўсиши билан электронлар ҳаракатчанлиги  $\mu_n$  нинг ўсиши билан бирдан пасайиши  $\Gamma$ - ва  $X$ - минимумлар ўртасидаги масофанинг  $< 0,1$ эВ гача қисқариши билан боғлиқ, бунда  $X$ -минимуми парчаланиш жараёнига сезиларли ҳисса қўшади. Маълумки,  $X$ -минимум анча катта миқдордаги  $m_n^*$  билан характерланади.  $x=0,75$  дан бошлаб  $\mu_n$  нинг қиймати  $X$ -минимум мутлоқ ҳисобланган GaP  $\mu_n$  ига яқинлашади.

$x=0,73$ ли  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмаларда электронларнинг юқори дрейф тезлиги ва ҳаракатчанлигига эришиш имкониятлари кўриб чиқилди. Ушбу материал  $x < 0,73$ да тўғри зонали ЯЎ бўлганлиги сабабли, ташувчиларнинг сочилиш механизми кутбли яримўтказгичдаги сочилиш механизмига ўхшаш бўлади. Маълумки, бундай ЯЎ учун панжаранинг оптик тебранишлари бўйича сочилиши устуворлик қилади. Бошқа тенг шароитларда ҳаракатчанлик асосан заряд ташувчиларнинг эффектив массаси  $m_n^*$  билан назорат қилинади.  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмалар учун ўтказувчанлик зонасидаги заряд ташувчиларнинг эффектив массаси қуйидагича топилиши мумкин.  $m^*$  миқдори  $Ga_xIn_{1-x}P$  учун InP ва GaP ларнинг  $m^*$  лари оралиғида ўзгаради. Мазкур миқдорларни  $\Gamma$ -минимум учун  $K=0$  да танлаш керак, чунки қаттиқ эритманинг асосий минимуми  $K=0$  да жойлашади ва  $\Gamma_{15}-\Gamma_1$  ўтиш билан белгиланади. Бу тўғри бўлмаган зонали GaP билан таққослаганда  $Ga_xIn_{1-x}P$  даги электронларнинг сезиларли даражада юқори ҳаракатчанлигини таъминлайди.  $Ga_xIn_{1-x}P$  даги электронлар ҳаракатчанлигининг ҳисобланган миқдорлари  $\mu_n = 2200 \text{ см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$  ни ( $N_d = 2 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$ да киришма ионларидаги сочилишни ҳисобга олган ҳолда) ташкил қилади, бу эса электронлар ҳаракатчанлигининг тажрибада олинган қиймати билан мос келади ( $\mu_n = 1500 \div 2000 \text{ см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$ ).

Шундай қилиб,  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмаларидаги электронлар ҳаракатчанлиги InP даги  $\mu_n$  дан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Қаттиқ эритмада GaP нинг янада ортиши яримўтказгич ўтказувчанлик энг қуйи  $X$ -минимум электронлари билан аниқланадиган зона тузилишини ўзгартириши сабабли ўтказувчанликни сезиларли даражада ўзгартиради. Шу сабабли,  $x=0,73$

ли  $Ga_xIn_{1-x}P$  эпитаксиал қатламнинг юқори электр ўтказувчанлигини намоён қилувчи кенг зонали материал саналади.

Диссертациянинг «**GaP, GaAs, InP монокристаллари ва улар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг электрофизик ва оптик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида изотип GaP дан қилинган асосга эга аввалдан ўстирилган  $nGa_xIn_{1-x}P$  эпитаксиал қатламга рух диффузияси жараёнида олинган  $Ga_xIn_{1-x}P$  p-n тузилмалар тадқиқининг натижалари келтирилган. Дастлабки қаттиқ эритма  $N_d=5 \cdot 10^{16} \div 1 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$  га тенг донорлар концентрациясигача теллур билан легирланган. Диффузия  $750 \div 850 \text{ K}$  ҳароратда оқувчан водород атмосферасида жойлашган вертикал конструкцияли графит кассета асосидаги квазиберк ҳажмли кварц реакторида ўтказилди.

P-n ўтишнинг жойлашиш чуқурлигининг диффузия вақтига боғлиқлиги экспериментал равишда олинган ( $d \sim t^{1/2}$ ) нинг кўрсатишича, диффузия жараёни Фикнинг иккинчи қонунига мос келади ва тугунлараро содир бўлади. Бунда диффузион қатлам қалинлигининг ҳароратга боғлиқлиги қуйидаги қонунга бўйсунди

$$d = A_0 t^{1/2} \exp\left(-\frac{A_1}{kT}\right), \quad (1)$$

бу ерда  $A_0$  - доимий катталиқ,  $A_1$  - боғлиқлик доимийси.  $d$  нинг  $t^{1/2}$  га нисбий боғлиқлиги чизиқли кўринишга эга. Ўрганилган қатламдаги кавакларнинг сирт концентрацияси p-n ўтиш чегарасидагига нисбатан  $1,0 \div 1,5$  тартибга юқоридир. Бу аралашмалар концентрациясининг градиенти тузилган квазиэлектрик майдони шаклланишидан далолат беради, унинг қиймати  $\nabla = 10^2 \div 10^3 \text{ В/см}$  га етади.

Тадқиқ этилган тузилмаларда барьер сифими  $C_6$  нинг кучланишга экспериментал боғлиқлиги қуйидаги ифода билан ёзилади

$$\left(\frac{S}{C_6}\right)^3 = \frac{12(U-U_0^c)}{q \cdot a \cdot \epsilon_0^2}, \quad (2)$$

бу ерда  $U_0^c$  - ажратувчи сифим кучланиши,  $a=dN/dx$ -аралашма концентрациясининг градиенти,  $S$ - p-n ўтиш юзаси. (2) боғлиқдан олинган  $U_0^c$  нинг қиймати ҳисобланган контакт потенциаллар фарқи қийматидан катта бўлади.  $pGa_xIn_{1-x}P$  даги ионлаштирилган акцепторларнинг тажрибавий топилган концентрацияси  $N_a$  қуйида келтирилган ифодага кўра олинган маълумотлар билан мос келади

$$U_k = 2kT \ln\left(\frac{ad}{2qn_i}\right). \quad (3)$$

Бу p-n ўтишлар физикавий чегаралар яқинидаги донор-акцептор қайта компенсацияси билан боғлиқ. Тадқиқ қилинган тузилмалардаги максимал майдоннинг тажрибавий микдорлари  $Ga_xIn_{1-x}P$  қатламлардаги киришмалар концентрацияси градиенти ички квазимайдон катталигидан бир тартибга кўпроққа ортиқ бўлади.

Ҳажмий заряд қатлами кенглиги p-n ўтишда тескари силжиш ортиши билан ўсади, бунда база қатламида заряд ташувчилар концентрациясининг бир хил ўзгаришида ҳажмий заряд соҳаси нисбатан кенг соҳали  $Ga_{0.72}In_{0.28}P$  дагига қараганда каттароқ бўлади.

$300K < T < 600K$  ҳарорат оралиғида ВАХ тўғри тармоғи иккита ташкил этувчидан иборат бўлади:

$$I = I_1 + I_2 = I_{01} \exp\left(\frac{qU}{\beta_1 kT}\right) + I_{02} \exp\left(\frac{qU}{\beta_2 kT}\right). \quad (4)$$

$Ga_{0.61}In_{0.39}P$  p-n ўтишлар учун биринчи ташкил этувчида  $1,9 \leq \beta_1 \leq 2,2$ , иккинчисида  $1,4 \leq \beta_2 \leq 1,6$ ;  $Ga_{0.72}In_{0.28}P$  учун эса мос равишда  $2,0 \leq \beta_1 \leq 2,3$  ва  $1,2 \leq \beta_2 \leq 1,4$ . ВАХ нинг биринчи ташкил этувчиси нисбатан кичик токларда ҳажмий заряд соҳасидаги рекомбинацияга хос бўлган шаклга эга. Экспоненциал олди кўпайтувчиси мос равишда қуйидагича бўлади:

$$I = \frac{kTn_1}{\tau_{\text{эфф}}E_M} = \frac{kT}{\tau_{\text{эфф}}} \exp\left(\frac{E_g}{kT}\right). \quad (5)$$

$I_{01}$  нинг ҳароратга боғлиқлигидан p-n тузилмалар фаол соҳасидаги тақиқланган зона кенглиги топилган, у тадқиқ қилинган диапазонда  $E_g \approx 1,9 \div 2,23$  эВ (300 К) оралиғида ўзгаради. Бунда заряд ташувчиларнинг самарали яшаш даври  $\tau_{\text{эфф}} \approx (3 \div 5) \cdot 10^{-8}$  с. Тадқиқ қилинган  $Ga_xIn_{1-x}P$  таркиби учун тақиқланган соҳа кенглигининг тажрибада топилган катталиги  $E_g \approx 2,15 \div 2,24$  эВ ни ташкил қилади.

ВАХ нинг иккинчи ташкил этувчисидagi боғлиқлик характери намуна ҳажмидаги рекомбинация токининг устувор ролини кўрсатади ва сиғим характеристикаларидан олинган натижалар билан етарли даражада мос келади. Тадқиқот қилинган тузилмаларнинг ВАХ тескари йўналиши боғлиқлиги ҳароратнинг кенг интервалида  $I \sim V^\gamma$  билан тавсифланади.  $T = 300$  К дан  $600$  К га ортганда  $\gamma$  мос равишда  $2,9$  дан  $0,08$  гача камаяди. Бу эса ҳажмий заряд соҳасидаги заряд ташувчиларнинг иссиқлик генерацияси устунлик қилишидан далолат беради.

Тескари токнинг катталиги маълум бўлган қонунга бўйсунди

$$I_T = \frac{qn_i W}{2\tau_{\text{эфф}}}, \quad (6)$$

ва токнинг зичлиги  $I_T = (1 \div 5) \cdot 10^{-9}$  А/см<sup>2</sup> оралиғидаги қийматларни қабул қилади.

Пробой кучланиши қуйидаги қонун бўйича ўзгаради

$$U_{\text{П}}(T_1) = U_{\text{П}}(T_2) + \beta U_{\text{П}}(T_2). \quad (7)$$

Тадқиқ қилинган тузилмаларда пробой кучланишининг ҳарорат коэффициенти  $\beta$  мусбат бўлади. Пробой механизми шу асосланганки, ҳажмий заряд соҳасидаги максимал майдонда p-n тескари ток ўтишини ҳосил қилувчи электронлар ва каваклар валент электронларни зарбли ионлаштириш учун етарли бўлган кинетик энергияга эга бўлади (яъни, электрон-электрон тўқнашувлар натижасида валент электронлар ўтказувчанлик зонасига ўтади).

Бунда ҳосил бўладиган иккиламчи заряд ташувчилар электр майдонида тезлаштирилади ва улар янги ташувчиларни зарбли ионлаштириш йўли билан ҳосил қилиши мумкин бўлади.  $Ga_xIn_{1-x}P$  қаттиқ эритмада  $GaP$  таркиби ортиб бориши билан  $p-n$  ўтишнинг ҳарорат хусусиятлари яримўтказгичнинг тақиқланган зона кенглиги ортиши сабабли уларнинг тескари тоқлари камайиши билан яхшиланади.

Диссертациянинг « $Ga_{0,7}In_{0,3}P/GaP$  гетеротузилмаларни ёруғлик оқимининг тўпланиш даражаси ва қаттиқ эритмалар таркибига боғлиқ ҳолда ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида фотоўзгартгич гетеротузилмаларини яратиш учун гетотузилмалар электрофизик хоссаларининг ёруғлик нурланиш жадаллига боғлиқлиги ва  $pAl_xGa_{1-x}P$  ( $0 \leq x \leq 0,8$ ) асосидаги база соҳа қатлами қалинлигини қаттиқ эритма таркибига боғлиқлиги келтирилган.

$Al_xGa_{1-x}P$  қаттиқ эритмаларнинг характеристик хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- таркиб ўзгаришининг бутун оралиғида  $Al_xGa_{1-x}P$  қаттиқ эритманинг панжара параметрлари деярли ўзгармайди. Натижада қаттиқ эритма таркиби ўзгаришидаги нуқсонларнинг кўшимча генерацияси ва мазкур омил ҳисобидан асосий бўлмаган заряд ташувчилар диффузион силжиш узунлигининг эҳтимолий ўзгариши истисно қилинади;

- $x$  параметр  $0 \leq x \leq 1,0$  диапазонда ўзгарганида қаттиқ эритма соҳавий тузилиши яримўтказгичнинг тақиқланган соҳа кенглиги бироз ўзгариши билан ўзгармас бўлиб қолади ( $2,24 \leq E_g \leq 2,4$  эВ), бу турли таркибдаги қаттиқ эритмаларда оптик ютилиш механизмининг доимийлигини таъминлайди;

- нисбатан юпқа  $Al_xGa_{1-x}P$  қатламлар учун спектрнинг тадқиқ қилинадиган кенглигида фототашувчиларнинг яримўтказгичларнинг валент соҳасидан ўтказувчанлик соҳасининг  $\Gamma$ -минимумига бевосита оптик ўтиши ҳисобидан нурланиш ютилиши характерли бўлади, бунда энергетик тирқиш  $2,8 \leq E_0 \leq 3,6$  эВ диапазонда ўзгаради.

База қалинлиги  $d=0,2 \div 1$  мкм ни ташкил қилган, база соҳасига эга бўлган тадқиқ қилинган тузилмалар,  $n$ -типдаги галлий фосфид изотоп асосига, олдиндан ўстирилган эпитаксиал қатламлар паст ҳароратли суюқ фаза эпитаксия усулида олинган. База соҳасидаги каваклар концентрацияси  $N \approx 5 \cdot 10^{16} \div 2 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$  ни,  $pAl_xGa_{1-x}P$  даги электронлар концентрацияси эса  $0,7 \div 1,0 \cdot 10^{18} \text{ см}^{-3}$  ни ташкил қилади.

Қатламлар қалинлиги иккала турдаги ўтказувчанликка эга қаттиқ эритма анодланган бўлиниш чегараси орқали баҳоланган, асосий бўлмаган ташувчиларнинг диффузия узунлиги ва уларнинг ҳаракатчанлиги Холл усули ёрдамида аниқланган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли таркибли  $Al_xGa_{1-x}P$  база қатламларида  $p-n$  ўтишнинг тўплаш самарадорлиги спектрнинг максимумига яқин қийматларга эга бўлади. Бунда  $x$  ортиши билан спектрнинг максимуми фотонлар энергияси  $h\nu$  га деярли чизикли боғланган бўлади ва

$$h\nu = 2,7 + 0,9x, \quad (8)$$

га биноан қисқа тўлқинлар томонга силжийди. Бу шуни тасдиқлайдики,  $Al_xGa_{1-x}P$  нинг турли таркиби учун, база қатламининг оптимал қалинлигида р-п ўтиш қисқа туташув токи  $I_{к.т.}$  ўзгариши асосан р-п ўтиш фотосезгирлиги спектрал кенглигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Генерация-рекомбинация жараёнларининг асосий қисми р-п ўтишнинг база соҳасида кечишини ҳисобга олиб ва ушбу жараённи миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун турли таркибдаги қаттиқ эритмаларда электронларнинг диффузия силжиш узунлиги  $L_n$  нинг ўзгариши кўриб чиқилди. Қаттиқ эритма таркибига қараб  $L_n$  ўртача қийматининг боғлиқлигининг эгри чизиғи олинди, чунки  $L_n$  нинг қиймати р-п ўтишнинг рекомбинацион параметрлари билан қуйидагича боғланган

$$L_n = \left( \frac{kT}{q\mu_n\tau_n} \right)^{1/2}. \quad (9)$$

Айтиш мумкинки, тадқиқот этилаётган гетеротузилмалардаги рекомбинацион жараёнлар асосан базавий  $rAl_xGa_{1-x}P$  даги электронларнинг диффузион силжиши узунлиги билан боғланган. Мос равишда, унинг ўзгариши асосан қаттиқ эритма таркиби ўзгартирилгандаги ҳаракатчанлик ўзгариши ҳисобига юз беради. Ушбу боғлиқлик база қатлами оптимал қалинлиги ва қаттиқ эритмадаги  $AlP$  таркиби орасида коррекциянинг мавжудлигини кўрсатади. Ўрганилаётган тузилмалар параметрларининг шундай ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб,  $L_0$  нинг аниқ қиймати учун база соҳаси самарали қалинлигининг  $Al_xGa_{1-x}P$  таркибига боғлиқлигини қуйидаги эмпирик ифода билан аппроксимациялаш мумкин

$$h_{эфф} = \frac{L_0}{(1+1,8x^2)}, \quad (10)$$

бу ерда  $L_0 - x=0$  бўлганида  $Al_xGa_{1-x}P$  қаттиқ эритмалар учун асосий бўлмаган ташувчиларнинг диффузион узунлиги. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу ифода базавий соҳанинг, қаттиқ эритманинг берилган таркибда фотоэлектрик ўзгартиришнинг энг самарали бўлишини таъминлайдиган, қалинлигини аниқлаш имконини беради.

Табиий-конвектив иссиқлик алмашинуви (пассив совутиш) режимида  $Ga_{0,7}In_{0,3}P/GaP$  гетеротузилмаларнинг фотоэлектрик ва иссиқлик хусусиятлари тадқиқ этилди.

Шунинг учун қуёш нури оқимининг концентрацияси даражаси  $K_c=1\div 100$  ораликда олинди. Тадқиқ этилган  $Ga_{0,7}In_{0,3}P/GaP$  гетеротузилмалар газ фазасидан рухнинг паст ҳароратли диффузияси билан биргаликда суюқ фазадан эпитаксиал ўстириш усулини қўллаш ёрдамида олинди. Танлаб олинган қаттиқ эритманинг таркибига тақиқланган соҳасининг кенглиги  $E_g \approx 2,2$  эВ га тенг яримўтказгичнинг соҳавий тузилмаси мос келади. Р- ва п-турдаги ўтказувчанликка эга  $Ga_{0,7}In_{0,3}P$  гетеротузилмада  $d \approx 2\div 3$  мкм умумий қалинликка эга,  $nGaP$  асоснинг қалинлиги эса  $\sim 150$  мкм дан ошмайди. Кейинчалик асосий

ютилиш кенглиги чегарасидан ташқаридаги узун тўлқин соҳасидаги гетерофотоўзгартгичларнинг (ГФЎ) оптик шаффофлигини янада орттириш мақсадида металл контактлар тўрсимон шаклда олинди. Улар  $p\text{Ga}_{0,7}\text{In}_{0,3}\text{P}$  нинг юза томонида ва  $n\text{GaP}$  нинг орқа томонида олинган. Металли контакт тўрлар полосалари орасидаги масофа шундай танланганки, қуёш оқимининг кўрилаётган интенсивлик диапазони учун кетма-кет қаршилиқнинг токни оқиш қаршилигига таъсири минимал бўлиши керак. Бунда омик контактлар юзаси ГФЎ умумий сезувчан юзасининг 10% дан ошмайди ва омик контакт билан бир хил бўлган тўрсимон шаклдаги мис тутқичга уланган. ГФЎ ёруғлик оқимини  $\lambda=0,3\div 0,6\text{мкм}$  спектр оралиғида ўзгартириб беради. Тўғри қуёш ёритилганлигида салт юриш кучланиши  $1,38\div 1,45\text{ В}$  бўлганда ГФЎ  $\eta = 10\div 12\%$  фойдали иш коэффициентига эга бўлади (АМ1,5). Қуёш оқимини тўплаш Френель линзалари ёрдамида амалга оширилди. Мужассамлашган қуёш нурланиши таъсирида ишловчи ГФЎ (бирлик юзадаги) солиштирма фотоэлектрик қуввати

$$P_y = E_c K_c \eta \quad (11)$$

орқали аниқланади, бу ерда  $E_c$  - ГФЎ юзасига нормал тушаётган қуёш нурланиши оқимининг интеграл зичлиги,  $K_c$  - қуёш нурланиши концентрация коэффициентининг ўртача қиймати.

(11) ифодага кирувчи  $\eta$  гетеротузилма мувозанатини ишчи ҳарорати  $T$  га ва  $K_c$  га боғлиқ бўлади.  $K_c < 50$  да  $K_c$  нинг ўсиши билан  $\eta$  нинг сезирали пасайиши кузатилмаётгани, табиий-конвектив иссиқлик алмашуви шароитида нурланиш концентрациясининг ўша диапазонида ҳарорат  $T$  нинг  $\eta$  га таъсири сезиларли даражада намоён бўлаётганини  $\eta$  ва  $T$  нинг  $K_c$  га боғлиқлиги чизикли функция билан аппроксимацияланади.

$$\eta = \eta_0 [1 - \alpha(T - T_0)] , \quad (12)$$

бу ерда  $\eta_0$  ва  $T_0$  - ёруғлик оқимининг берилган концентрацияси учун  $p$ - $n$  ўтишнинг фойдали иш коэффициенти ва мувозанатли ишчи ҳарорати,  $\alpha = d\eta/dT\eta_0$  - қиймати гетеротузилманинги ишчи ҳароратига боғлиқ бўлган манфий ҳарорат градиенти.

Агар гетеротузилмалардан иссиқликнинг чиқиб кетиши фақат табиий-конвектив иссиқлик алмашинуви ҳисобига бўлаётган, ҳарорат ўзгариши, асосан, тушаётган қуёш нурланиши таъсирига боғлиқ бўлса, ГФЎ нинг мувозанатли ишчи ҳароратини қуйидагича аниқлаш мумкин

$$T = (\alpha_c - \eta)[(\epsilon_1 - \epsilon_2)\sigma]^{0,25} , \quad (13)$$

бу ерда  $\alpha_c$  - олд юза томонидан қуёш нурланишининг интеграл ютилиш коэффициенти,  $\epsilon_1, \epsilon_2$  - ГФЎ нинг мос ҳолда олд ва орқа юзалари томонидан хусусий иссиқлик нурланиши коэффициентларининг интеграл қийматлари,  $\sigma$  - Стефан-Больцман доимийси.

Келтирилган боғлиқликлар  $K_c$  нинг ГФЎларда ишлаб чиқиладиган фотоэлектрик қувват оптимал қийматига мос келадиган катталигини аниқлаш

имкони беради. Реал шароитларда табиий - конвектив иссиқлик алмашувида ҳарорат  $T$  нинг қиймати  $K_c$  га боғлиқ равишда ортиб боради. ГФЎ ҳароратининг ортиши яримўтказгич ман этилган зонаси  $E_g$  нинг камайиши билан боғлиқ равишда кечади, бу эса фотосезгирлик спектрининг узун тўлқинлар томонга бирор бир кенгайиши ҳисобига фототокнинг ортишига олиб келади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, бизнинг ҳолатда фототокнинг ортиши қуёш нури оқимининг  $K_c \approx 50$  ҳолатигача содир бўлади.  $K_c$  янада катта қийматида фототокнинг ортиши сезиларли даражада сустрлашади. Бу шу билан изоҳланадики, ГФЎ тўйиниш тоқининг ҳароратга боғлиқлиги сезиларли даражада бўлади, натижада салт юриш кучланиши  $U_{xx}$  камайди ва фойдали иш кэффиценти  $\eta$  қийматининг тушишига олиб келади.

Олинган тажриба натижалари асосида аниқландики,  $U_{xx}$  нинг ҳарорат коэффиценти ( $K_c=1$  да)  $dU_{xx}/U_{xx}dT \approx -1,4 \cdot 10^{-3}/K$  га тенг ва ( $K_c=100$ ) да  $dU_{xx}/U_{xx}dT \approx -1,1 \cdot 10^{-3}/K$  гача камайди. ФИК нинг ҳарорат коэффиценти  $\alpha \approx -1,6 \cdot 10^{-3}/K$  ( $K_c=1$ ) дан  $\alpha \approx -1,2 \cdot 10^{-3}/K$  ( $K_c=100$ ) гача ўзгаради.

